

Юзни бактериядан сақлашнинг табиий ва энг самарали усули



15:00 / 14.11.2020 4269

Journal of Hospital Infection номли тиббий журналда соқолни доим ўткир тиғли асбоб билан қириб олишнинг зарарлари ҳақида янги тадқиқот хулосаси эълон қилинди.

Унда айтилишича, соқолни қириб олиш юзда кўринар-кўринмас жароҳатлар пайдо бўлишига олиб келар экан. Бунга сабаб, соқол орасидаги бактерияларнинг олинган тук тешиклари орқали тери остига киришидир.

Соқоллилар ва соқоли олинганлар устида олиб борилган бу тажрибанинг кўрсатишича, доим соқолни ўстириб юрадиган кишилар соқолини олиб юрадиганларга нисбатан бактерия зарарига камроқ рўбарў бўлар эканлар.



Ушбу расмда соқол туклари орасида табиий равишда яшовчи бактерия ва вируслар кўк ва сариқ рангда берилган. Ўткир тиғли устара билан соқолни олиш эса ушбу вирусларнинг тери остига кириб олишига, бу эса сурункали тери яралари, тошмалар, ҳуснбузарлар ва сўгалларнинг кўпайишига олиб келиши мумкин экан. Шу боис шифокорлар соқолни камроқ олишни, агар иложи бўлса, соқолни олмай, қўйиб юришни маслаҳат бермоқдалар.

Тадқиқотчилар яна шундай хулосаларга ҳам келишдики, соқол кишининг жозибали, ҳурматли ва виқорли кўринишига сабаб бўлар экан.

Шунингдек, «Нэйшнл географик» каналида ўтказилган тажрибада соқол кишининг ишончлироқ кўринишига ҳам сабаб бўлиши айтилган.

Баъзилар ўйлаганидек, соқол бактериялар уяси эмас.

Юзини кун давомида бир неча марта ювадиган одамнинг соқоли орасида зарарли бактериялар бўлмайди, қолаверса, юз соқол сабабли вируслар ҳужумидан ҳимояланган ҳолда бўлади.

Биз мусулмонлар кун давомида таҳорат асносида юзимизни бир неча бор ювамиз. Бу эса турли зарарлардан ҳимояланганимизга боис бўлади.

Ҳа, айтгандек, соқол юзни ультрабинафша нурлар таъсиридан ҳам ҳимоя қилиб, тери саратонининг олдини олади.

Бундан ташқари соқол астма, аллергия касалликларининг микроблари оғиз бўшлиғига тушиб, ўпкага етиб боришининг ҳам олдини олади.

Қолаверса, қишнинг қаҳратон совуғида соқол ўзига хос изолятор вазифасини бажариб, юз, жағ ва оғиз бўшлиғини совуқда музлашдан ёки совуқ уришидан ҳимояланишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай марҳамат қилган:

﴿لَلْأَوْتَانِ وَأَوْتَانِ أَمْ وَوَدَّحْ لُؤْسِرْلَا مُكَاتِ أَمْ وَ

«Пайғамбар сизга нимани берса, ўшани олинглар ва нимадан қайтарса, ўшандан қайтинглар. Аллоҳдан қўрқинглар». (Ҳашр сураси, 7-оят).

Аллоҳ таоло бу ояти каримада биз бандаларини Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга итоат қилишга, у зот алайҳиссалом берган, тавсия қилган нарсаларини олиб, қайтарганларидан қайтишимизни ва бу борада Ўзидан қўрқишимизни амр қилмоқда.

Барчамизга яхши маълумки, соқол қўйиш Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг доимий суннатларидандир. Бизнинг ҳанафий мазҳабимизда соқол қўйиш вожиб амал ҳисобланади. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам биз умматларини соқол қўйишга буюрганлар.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мўйлабни қисқартириб, соқолни мўл қўйинглар!»** - дедилар».

Имом Бухорий ривояти.

Бошқа бир ҳадисда эса Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўнта нарса фитратдан (инсоннинг табиий қиладиган ишларидан) деб, шуларнинг орасида соқол қўйиб, мўйлабни қисқартиришни ҳам зикр қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга яхшилиги, фойдалари бор амалларни қилишимизни амр этиб, ёмонлиги, зарарлари бор нарсаларни қилишимиздан қайтарганлар. Шунинг ўзиёқ у зотнинг ҳақ Пайғамбар эканликларига яққол далилдир.

Манба: muslim.uz

Абдуддоим Каҳел мақоласи асосида

Нозимжон Ҳошимжон тайёрлади